

Ғайримусулмонлар учун улкан бағрикенглик



15:00 / 26.02.2022 1882

Нидерландиялик олим Питер Бурман ўзининг «Ўрта асрлардаги Ислом медицинаси» китобида шундай ёзади: «Исломий касалхоналар исломий вақфлар асосида жорий қилинган эди. У ерда тиббий хизматлар дини, эътиқодидан қатъи назар, барча инсонлар учун тақдим этиларди. У ерда яҳудийлар, масиҳийлар, собийлар, зардуштийлар ва бошқаларни кўриш мумкин эди. Исломий касалхона барчани муолажа қиларди, даволарди. Бу ўринда ғайри мусулмонлар учун улкан бағрикенглик намунасига гувоҳ бўлиш мумкин эди».

Америкалик тарихчи Уильям Дюрант ўзининг «Цивилизациялар тарихи» асарида шундай дейди: «Масиҳий (христиан) беморлар масиҳий табиблардан кўра мусулмон ва яҳудий табибларда даволанишни афзал кўришарди».

Ушбу ҳолат Европа жаҳолат зулмати, касалликлар ва феодализм остида яшаган асрларда бўлган эди.